



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 114 (13.447)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалар асосида замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қobiliяти ва салоҳиятини рўйбга чиқариш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маданият ва санъат соҳасини бошқаришда эскича усуллар сақлаб қолаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича комплекс ёндашувнинг етишмаслиги, маданият муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда оқсоқликка йўл қўйлаётгани, аксарият жойларда маданият ва санъат масканларининг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини қайд этиш зарур. Айниқса, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда мавжуд талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмаслик, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, бу йўналишдаги устувор вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермапти.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг бугунги янги босқичида маданият ва санъатнинг

ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш авлодими миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртта меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган кўйидаги вазифалар ижро учун қабул қилинсин: маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. Жумладан, музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Моддий маданий мерос ва археология объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари, театрлар, музейлар, бадий жамоалар, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини, моддий-техника базаси ҳолатини атрофлича ўрганиш, уларни таъмирлаш ва зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қўлай шарт-шароитлар яратиш. Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган танкили санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш;

ёшларни санъат масканларига, хусусан, театр ва музейлар, концерт томошаларига мунтазам жалб этиш, ўзбек ва жаҳон маданиятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик диди ва маданий даражасини янада юксалтириш. Маданият ва истироҳат боғлари ҳудудида "Нуронийлар маскан"ларини ташкил этиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароитлар яратиш;

"Сени қўлаймиз, замондош!", "Дебют" каби театр санъати кўрик-фестиваллари самарадорлигини ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қаҳрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган, бадий юксак саҳна асарларини яратиш. "Баҳор нафаси" халқаро санъат фестивали, "Бойсон баҳори" халқаро фольклор фестивали, "Ёшлик баҳори" республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайлларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш;

маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг малакали кадрлар ва мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, бу борада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, замонавий илғор тажрибалардан фойдаланиш, дуненинг машҳур мусиқчилари, бастакорлари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларини ўқув дастурлари ва ноталар, ўқув қўлланма ва дарсликлар, илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)

АФГОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲАММАД АШРАФ ҒАНИ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Афғонистон пойтахти Кобул шаҳри марказида содир этилган мудҳиш ва ғайриинсоний террорчилик ҳаракати оқибатида қўллаб бегуноҳ кишиларнинг нобуд бўлгани ва оғир жароҳат олгани ҳақидаги хабар бизни қаттиқ қайғуга солди.

Ушбу мусибатли дамларда Сизга ва биродар Афғонистон халқига чуқур таъзия изҳор этамиз. Қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлигимизни етказиб қўйишингизни сўраймиз. Жароҳат олганларни эса тез фурсатларда соғайиб кетишини тилаймиз.

Қайғу ила,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҲҲИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИНИНГ МАКТУБИ

Аввал хабар қилинганидек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн 2017 йил 10-12 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Олий комиссари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилди. Зайд Раад ал-Хусайн давлат органлари раҳбарлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

Ташриф якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари иштирокида ўтган матбуот анжуманида Зайд Раад ал-Хусайн Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди.

31 май куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари-дан давлатимиз раҳбари номига мактуб келди. Унда шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Тошкентда 2017 йил 10 май куни бўлиб ўтган учрашувимиз давомида билдирган очик ва самимий фикр-мулоҳазаларингиз учун миннатдорлик изҳор этаман. Шахсан Сиз билан учрашув шарафига муассар бўлганимдан гоят бахтиёрман. Ташрифим доирасидаги тадбирлар юксак даражада ташкил этилгани учун мамлакатингиз ҳукуматига самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига шахсан эътибор қаратаётганингиз, жумладан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилингани, суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар амалга оширилаётгани, хорижга виза асосида чиқиш тартибини бекор қилиш борасидаги сайёҳаракатлар учун Сизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мамлакатингизга ташрифим Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашдаги муайян мураккабликларни аниқлаш, мамлакатингиз ҳокимияти, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий муассасаси ва халқаро ҳам-жамиятга Бошқарманиз кўмак кўрсатиши мумкин бўлган соҳаларни белгиллаб олиш имконини берди.

Ўзбекистон мен раҳбарлик қилаётган Бошқарма билан самарали ҳамкорлик қилаётгани учун миннатдорман. Женевадаги қароргоҳимиз ҳамкорлигимизни давом эттиришга тайёрлигидан, менинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинимам Ўзбекистонни бевосита қўллаб-қувватлашдан мамнунман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Зайд Раад ал-ХУСАЙН,
БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари

(Давоми 4-бетда)

ЭКСПОРТЧИ

КОРХОНАЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
2017 йил 11-13 май кунлари давлат
ташрифи билан Хитойда бўлди. Ушбу
ташриф давомида эришилган
натижалар изчиллик билан амалга
оширилмоқда.

Хитойнинг Шаньдун провинцияси Вэйхай шаҳри ишбилармон доиралари делегациясининг 28-30 май кунлари Ўзбекистонга ташрифи ҳам шу мақсадга қаратилди. Ўзбекистонлик ва хитойлик шериклар музокараларда тўқимачилик, кўнчилик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ходимлари Вэйхай шаҳри импорт қилувчилар палатаси ва "ShinDaDong" компанияси вакиллари билан музокаралар ўтказди. Хитойлик тадбиркорлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини Хитойга импорт қилишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Музокаралар якунига кўра Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Хитойда ваколатхонасини очиб бўйича битим имзоланди.

Шуни таъкидлаш кераки, "ShinDaDong" компанияси Хитой бозоридagi йирик импорт қилувчилардан бири бўлиб, импорт ҳажмига кўра ушбу мамлакатнинг энг яхши 50 компанияси қаторига қиради. Хитойнинг йирик савдо тармоқлари ва ритейл-компаниялари билан озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик истеъмол товарларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик қилади.

(Давоми 2-бетда)

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БУГУНГИ БОЛАЛАР ҲАР КҮН БАХТЛИ

Болалигимизда 1 июнь келишини орзиқиб кутардик. Чунки шу куни туманимиз марказидаги истироҳат боғи ишларди, телевизорда кўп мультфильм кўярди. Биз учун шундай бахт эди.

Бу – ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги гап.

Ҳозир-чи? Ҳозир истироҳат боғлари йил-ўн икки ой ишлайди. Улардаги аттракционлар ҳам хилма-хил, замонавий. Ҳаммасида учини, барча ўйинларни ўйнашга бир кун камлик қилади.

Илгари одамлар истироҳат боғларига онда-сонда, байрамларда борган бўлса, ҳозир бу ҳаёт тар-зимининг ажралмас қисмига, од-

дий ҳолга айланган. Қачон бор-манг, боғларда болажонларнинг чопишиб, қийқириб юрганини кўрасиз.

...Тунов куни ишдан борсам, тўрт яшар қизим "паркка бормаганимизга анча бўп кетди" дейди. Савол назари билан онасига қарасам "мен ўргатмадим" дея ишора қилди.

Тўғри, ҳозирги болаларга биров ўргатиши шарт эмас. Улар шунга

одатланган. Ҳаёт ҳар доим шундай бўлган, деб ўйлайди. Шунга яраш ўз хақини талаб қилади.

Боғлардан ташқари кўп қаватли уйлар олдида болалар ўйингоҳлари, маҳалларда сўлим гузарлар, йўл бўйларида хиёбонлар ташкил этилган. Ота-оналар ушбу масканларда сайр этиб, хордиқ чиқаради, болажонлар мириқиб ўйнайди.

(Давоми 4-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинар "Ҳаракатлар стратегияси: амалиёт, самара ва истикбол" шундай номланди.

• Бухоро вилояти Шофиркон туманида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида ёшлар ҳафталиги ўтказилди.

• Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида ўтказилган хайрия тадбири "Меҳр-муруват оғушидаги болалик" деб номланди. "Ҳар бир болага меҳр, эътибор" шиори остида ўтказилаётган ҳафталик доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Жанубий Кореянинг Ёнсей университети "Severance" госпитали шифокорлари Анди-жон вилоятида бемор болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Жанубий Кореядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида ўтказилган текширувлар натижасида 35 бола юртимиз шифокорлари билан ҳамкорликда пластик операция қилинди.

ЖАҲОНДА

• Хитойда дунёдаги энг йирик сузиб юрувчи куёш электр станцияси ишга туширилиб, маҳаллий электр тармоғига уланди. Аньхой провинциясининг Хуайнань шаҳри яқинида жойлашган янги сузувчи электр станцияси 40 мегаватт қувватга эга бўлиб, уни Sungrow Power Supply Co. компанияси муҳандислари ишлаб чиққан. Таъкидлаш жоизки, 2020 йил-

гача Хитой куёш электр станцияларидан олинган энергия микдорини умумий истеъмол қилинадиган энергиянинг 20 фоизига етказишни режалаштирмоқда.

• Ёз фасли кириб келган бўлса-да, Россия шимолида тўсатдан ҳақиқий қиш об-ҳавоси ҳукм сура бошлади. Чунончи, Ханти-Манси автоном округида қор бўрони хуруж қилиб, бу ерда об-ҳаво ҳарорати 0 даражага тушган бўлса, шимолий Ёккутистонда кўча ва йўللари калин қор босганлиги туфайли автомобилларнинг ҳаракатланиши учун катта ноқулайликлар юзага келди.

• Ferrari жамоаси таркибида иштирок этган германиялик Себастьян Феттель Монакода ўтказилган жаҳондаги энг нуфузли "Формула-1" мотополгаининг Гран-при турнирида галаба нашидасини сурди. "Формула-1"нинг навбатдаги босқич мусобақалари 9-11 июнь кунлари Канадада ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА
ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг юксак маданияти ва санъатини халқаро майдонда янада кенг тарғиб этиш, халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда мамлакатимиз вакиллариининг иштирокини кучайтириш, Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали нуфузини янада ошириш, бошқа турли тадбирларда чет эллик маданият ва санъат намояндалари кенг қатнашишларини таъминлаш, халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2017 йилнинг 1 октябрга қадар:

музейлар ва театрлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс чора-тадбирларини;

ёшларни театр ва музейларга, концерт-томоша тадбирларига тизимли равишда жалб этиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик ва маданий даражасини янада юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда мамлакатимиздаги концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грим ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, махсус либослар, жумладан, балет санъати учун либослар, юксак даражада ишланган сахна декорациялари ва конструкциялари, парда ва сахна либосларини тайёрлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан тақлифларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданият вазирлиги ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасалари учун малакали мусиқа педагоглари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган факультет ташкил этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва табибёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси;

тижорат банкларининг кредит маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов): Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича бир ҳафта муддатда тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этсин;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ҳар бир давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, вилоят, шаҳар, туманлар бўйича Дастур асосида икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш-ни таъминласин, уларни тасдиқласин ҳамда уларда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштирсин;

Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилишга масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тизимли асосда мувофиқ-

лаштириб, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан мониторинг олиб борсин ва назорат қилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

Дастурни амалга ошириш юзасидан икки ҳафта муддатда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш;

Дастурни амалга ошириш учун зарур бўладиган маҳаллий бюджет маблағларининг режалаштирилиши ва тўлиқ ажратилиши, ҳомийлик хайриялари жалб этилишини таъминлаш;

ҳудудларда маданият соҳасида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб турар жой шароитларини яратиш мақсадида ҳудудлар марказларида имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли хизмат уйлари қуриш, шунингдек, юқорида кўрсатилган тоифадаги мутахассислар учун уй-жойлар ажратиш;

маданият ва истироҳат боғларида аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат мажбурияти билан бошқа уйин қурилмаларининг хавфсизлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш чораларини қўйсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 31 майЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ
БИЗНЕС-ФОРУМИ

"Пойтахт" бизнес марказида 31 май кун
Ўзбекистон – Германия бизнес-форуми ва
кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасига масъул вазирлик ва идоралари, агросаноат учун техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова ва бошқалар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда қатори қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам изчил ривожланиш бораётганини, ушбу анжуман икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада қарайлаётганини, иқтисодиётимизга хориж сармояларини кенг жалб этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан. Мамлакатимизда "MAN", "Claas", "Lemken", "Knauf" каби дунёга машҳур немис компаниялари фаол иш юритмоқда. Улар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарда турли русумдаги юк автомобиллари, замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2016 йили 520 миллион доллардан ошган. Икки томонлама молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг умумий ҳажми қарийб 330 миллион еврога тақрибан кўсатилади. Ўзбекистонда Германия сармояси иштирокида 110 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздан Германияга мева-сабзавот маҳсулотлари, пахта толаси ва мато-

лар, ноорганик қиммат маҳсулотлари, мис буюмлар экспорт қилинади, транспорт ва сайёҳлик хизматлари кўрсатилади.

– Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон азалдан турли давлатлар савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос рол бўлган, – деди ЎзА муҳбирига Германия Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги федерал вазирлигининг савдо департаменти раҳбари Аксел Липински. – Тошкент саноат, савдо, маданият ва замонавий воситалар маркази эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Мазкур тадбир Ўзбекистонда сармоядорлар учун яратилган имкониятлар билан танишиш, иштирокчиларни Германияда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиги техника ва технологиялари билан таништириш, фикр ва таъриб алмаштириш имконини берилади. Мамлакатингиз ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Германиялик ишбилармонларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш, сақлаш, қadoқлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар қуриш, замонавий қўшма корхоналар ташкил этиш, соҳага ноу-хауларни кенг жорий этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР УЧУН
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР(Давоми.
Боши 1-бетда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳозирги пайтда Россия, Жанубий Корея, Италия, Болгария, Швейцария, Германия ва Испанияда ўз ваколатхоналарига эга. Мамлакатимиз кичик бизнес субъектлари экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида жамғарма яқин келажакда Латвия, Сингапур, Португалия, Чехия, Люксембург, Польша, Буюк Британия, Кувейт ва бошқа давлатларда ўз ваколатхоналарини очилиши режалаштирган.

Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, Ўзбекистон маҳсулотларини импорт қилувчиларни топиш, хорижий бозорларда мамлакатимиз савдо белгисини оммалаштириш, тадбиркорларнинг халқаро кўргазма, ярмарка, тендер савдолари ва бошқа тадбирларда иштирок этишига қўмаклашиш, хорижий импорт қилувчиларнинг Ўзбекистонга сафарини уюштириш, халқаро сертификатлар, лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олишга қўмаклашиш, мамлакатимиз саноат корхоналари мутахассисларининг хорижий стажировкаларини ташкиллаштириш жамғармининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Жумладан, шу йилнинг март ойида жамғармининг Германия-

даги вакили ташаббуси билан Дрезденда Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбирни ташкил қилишда Саксония Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги, Саксония ва Тюрингия савдо-саноат палаталари ва "Коммерцбанк" ҳам иштирок этди.

Тадбирда Дрезден савдо-саноат палатаси ташкил қилган бошқармачи раҳбари Роберт Бойтнер, "Коммерцбанк"нинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Бодо Тенс, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Германиядаги вакили Натан Шимонев сўзга чиқди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлар, жамғармининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини ошириш борасидаги фаолияти, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Германия бозорига етказиб бериш имкониятлари ҳақида маълумотлар берилди.

Германия компаниялари жамғармининг бизнес субъектларини экспортдан олдин молиялаш, тадбиркорларнинг хориждаги ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этишга қўмаклашиш, экспортбон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни амал-

га ошириш борасидаги хизматларига катта қизиқиш билдирди.

Жамғармининг Германиядаги ваколатхонаси ва Германиянинг "Orchidee Europe BVBA" компанияси ўртасида Ўзбекистондан Германияга ҳар йили 10 миллион долларлик тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича келишувга эришилди.

Жамғармининг хориждаги ваколатхоналари фаолиятига ўтган йили Жанубий Кореянинг йирик "Lotte Mart" ритейл-компанияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ташриф доирасида жамғарма томонидан манфаатдор ташиқлотларда қатор урғушувлар ўтказилди, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги компаниялар фаолияти билан танишилди.

"Lotte Mart" компанияси ва мамлакатимиз тадбиркорлари ўртасида ўрнатилган ишбилармонлик алоқалари ўз самарасини бермоқда. "Bofanda" масъулият чекланган жамияти "Lotte Mart"га ўз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамғармининг хориждаги ваколатхоналари мамлакатимиз тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда ҳар томонлама мадд бўлмоқда.

(ЎЗА)

Фармон ва ижро

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР
БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз адлия идоралари
давлат ва ҳўжалик бошқарув
органларининг тадбиркорлик
субъектлари ҳўқуқ ва
манфаатларига дахл қилувчи
83 ноқонуний қарорни бекор қилди.

Бу ҳақда Адлия вазирлигида давлатимиз тадбиркорларга яратётган қулай шарт-шароитлар, соҳа вакиллариининг ҳўқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш борасида қилинаётган ишларга бағишланган анжуманда маълум қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликнинг жадал ривожига янада кенг йўл очди. Шу асосда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар бугун ҳаётимизда ўз ифодасини топомқда, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилиши белгиланди.

2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча тури бекор қилинди. Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳўқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳўжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилди. Инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта.

Ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳўқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳўқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қопласа, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳўжатларни расмийлаштирса, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳўқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди.

Бу меъёрлар шу йил 1 январдан кучга кирган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Тадбиркорлар эркин фаолият юритишининг ҳўқуқий замини бўлган бу асосларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди.

Бу йўналишда адлия идоралари ҳам изчил фаолият юритмоқда. Тизимга мурожаат қилган қарийб 1,5 мингдан зиёд тадбиркордан 500 дан зиёдининг муаммоси ҳал этилган. 700 га яқин мурожаат бўйича ҳўқуқий тўшунтириш берилган. Тадбиркорлар манфаатини қўзлаб судларга 8,3 миллиард сўмлик 229 даъво аризи киритилган. Бу даъволарнинг юзга яқини тадбиркорга зиён етказган айбдор мансабдор шахсларга қаратилган бўлиб, улардан тадбиркорлар фойдасига 20,4 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундирилган.

Тадбиркорларнинг ҳўқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида ҳўқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

– Жорий йилда ишбилармонларга яратилаётган имкониятларни қўриб, тадбиркор бўлишга қарор қилдим, – дейди ЎЗА муҳбирига "Сезам файз" хусусий корхонаси раҳбари Акмал Файзиев. – Мирзо Улғубек туманидаги тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказига борганимда улар мени рўйхатдан ўтказиш билан бира, фаолиятимни йўлга қўйиш борасида ҳам амалий ёрдам берди. Банкдан 15 миллион сўм кредит олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришдик. 4 киши иш билан таъминланди. Қисқа вақтда маҳсулотларимизга нафақат ички бозорда, балки қўшни давлатлардан ҳам харидор кўпайди.

Анжуманда тадбиркорлар ва журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб қайтарди.

Н.АБДУРАИМОВА

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг жисмонан бақувват ва соғлом шахс бўлиб вояга етишлари йўлида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Чилонзор туманида ҳам ёшларнинг жисмоний камол топишлари-га кўмаклашиш мақсадида бажарилган ишлар самара бераётганлиги кишини қувонтиради.

Туманимиз ўқув муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар, айниқса қизлар ўртасида ўзаро спорт алоқаларини йўлга қўйиш, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спорт билан мунтазам шугулланишлари имкон яратиш мақсадида спорт мусобақалари доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Мисол учун ўтган йил мобайнида туманимизда 76 марта мусобақалар уюштирилиб, уларга 16028 ёшлар (5890 нафари қизлар) жалб этилди. Мусобақа голибларига 3,2 миллион сўмлик совғалар тўхфа этилди. Машҳур спортчи ва иқтидорли ёшлар иштирокида 16 марта уюштирилган маҳорат сабоқлари ва учрашувлар спортга ошно бўлаётган ёшлар қалбига умрбод ёдда қолса ажаб эмас. Ушбу маҳорат сабоқлари ва учрашувларда 981 нафар болалар (366 нафари қизлар) иштирок этишди.

Халқаро миқёсдаги мусобақаларда 70 нафар болалар (12 нафари қизлар) катнашиб бокс, дзюдо, трюмпинг, юнорум кураши, эркин кураш, бадий гимнастика, спорт гимнастики, футбол, оғир атлетика, эшак ашиш, белбоғли кураш, турон спорт турлари бўйича 55 та медалларни қўлга киритганликлари тахсинга сазовор. Ушбу совринларнинг 22 таси олтин, 27 таси кумуш, 6 тасини бронза медаллари ташкил этди.

Туманимиздаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида (БЎСМ) шугулланадиган ёшлар камондан ўқ отиш, бадий гимнастика, таэквондо WTF бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Халқаро турнирларда БЎСМнинг 66 нафар ўқувчи-ёшлари (56 нафар қизлар) 27 марта совринли ўринларга сазовор бўлишди. Совринларнинг 8 таси олтин, 9 таси кумуш, 10 таси бронза медалларидир.

Шу ўринда туманимиздаги БЎСМ



бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг 18848 нафари болалар (7450 нафари қизлар) соғломлаштириш гуруҳларида спорт билан шугулланиди.

Маълумки, болажонлар орасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларнинг жисмоний тарбия

си, шахмат, шашка, кувнок стартлар турлари бўйича туман ёшлари, ёзги оромгоҳлар тарбияланувчилари ўртасида мусобақалар ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, халқ таълими тасарруфидаги илм масканларида тахсил олаётган ёшларга, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларига ҳар доим Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан спорт кийимлари, спорт жиҳозлари ва инвентарлари тўхфа этилмоқда, яроқлилик мuddати тугаган жиҳозлар ҳисобдан чиқарилиб, филиал томонидан янгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда туманимиз ёшларининг соғлом, бақувват бўлишлари, камолотга етишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий мақсади ҳисобланар экан, жамғармамиз ёшларни жисмоний тарбия ва спортга ошно этиш йўлида қўлидан келган барча ишни амалга ошираверади. Зеро, вазирамиз — ёшлар камолоти йўлида барча ислохотларни, хайрли мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

Азамат АБДУРАИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Болалар спортини ривожлантириш
жамғармаси Тошкент шаҳар
филиали бош мутахассиси,
Чилонзор туман вакили

Жамғармаларимиз фаолиятидан

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ёшларнинг 313 нафари (180 нафар қизлар) спортнинг камондан ўқ отиш, бадий гимнастика, таэквондо, WTF, турон, қиличбозлик, оғир атлетика турлари бўйича мамлакат чемпионатлари ҳамда Ўзбекистон кубогига иштирок этиб, шундан 45 нафари 1-уринни, 47 нафари 2-уринни, 77 нафари 3-уринни қўлга киритганини таъкидлаш жоиз.

Туманимизда 60.001 нафар вояга етмаган болаларнинг 13.762 нафари жисмоний тарбия ва спорт сирларини ўрганаётган бўлса, шундан 5086 нафари спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Вояга етмаган 29189 нафар қизларнинг 6464 нафари ҳам спортга қизиқса, шундан 986 нафари профессионал спортчи

ҳамда спорт билан мунтазам шугулланишларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда “Универсиада” мусобақалари йўлга қўйилган.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг 18 та спорт тури бўйича Чилонзор туман босқичи 43-БЎСМда уюшқоқлик билан ўтказилди. Мусобақанинг шахар босқичига йўланма олган голиблар “Умид ниҳоллари”нинг ҳудудий босқичида ҳам иштирок этишди.

Ҳар йилгидек жорий йилда ҳам ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунлари сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида спортнинг футбол, бадий гимнастика, бадминтон, оғир атлетика, стол тенни-

Мусобақалар

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Россиянинг Нижнекамск шаҳрида футбол бўйича 14 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган жамоалар ўртасида Александр Винников хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир Тошкентнинг “Бунёдор” клуби тарбияланувчиларига омад келтирди.

Халқаро хотира турнирида қатнашган 10 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик учун кураш олиб борди.

Қувонарлиси, Алишер Иброҳимов, Бахтиёр Жўраев сингари тажрибали мураббийлар қўл остида халқаро турнирда иштирок этган “Бунёдор” жамоаси гуруҳ босқичида Нежнекамскнинг “Нефтехимик”, Сизраннинг “Сизран — 2003”, Уфанинг “Уфа” ҳамда Йошкар-Оланинг “Спартак” жамоаларидан устун келишди ва бош соврин учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Финалда Қозоннинг “Қозон” жамоаси билан куч синашган ёш “қалдирғоч”лар учрашув мобайнида рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини яққол исботлашди ва 2:0 ҳисобида зафар қучиб биринчи ўринни қўлга киритишди.

Яқунда “Бунёдор”га хотира турнирининг бош соврини тўхфа этилди. Хотира турнирининг олтин медаллари билан тақдирланган ёш “қалдирғоч”лар Тошкентга ёрғун юз билан қайтишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Спорт масканларида

МУНОСИБ ТУҲФА БЎЛДИ

Ўтган йилнинг 1 мартидан қайтадан ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлаган Яшнобод туманидаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) нафақат туманимизда, балки шаҳримизнинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилаётган болажонлар учун ўзига хос тўхфа бўлди.

“Ҳеч нарсаси мамлакатни спортчилик дунёга машҳур қила олмайди” деган ҳикматли иборада олам-олам маъно мужассам. Дарҳақиқат, юртимиз спортчиларининг қитъа, жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақаларда, Олимпиада ўйинларида юқори марраларни қўлга киритаётгани юртимиз байроғининг баланд ҳил-пандиётгани одатий ҳолга айланган.

Шу боис ҳам мамлакатимиз ёшлари орасида жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни янада кучайтириш мақсадида ўзига хос ислохотлар амалга оширилмоқда. Мен раҳбарлик қилаётган 2-БЎСМнинг асосий устувор мақсади — ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш орқали, болалар, ўсмирлар, қизлар соғлигини янада мустаҳкамлаш, улар организмни чиниктириш, иммунитетини ошириш, ақлий, жисмоний етук бўлиб вояга етишлари-га кўмак бериш.

Спорт мактаби томонидан ташкил этиладиган турли хил мусобақалар орқали ёшларда

ватанпарварлик ҳиссини пайдо қилиш, голиблик руҳини сингдириш, гигиена, тиббиёт бўйича билимларини юксалтириш жуда катта самара беради.

Айни вақтда спорт мактабимиз 4 та спорт базасига эга. Ўтган йилдан улар сони яна 3 тага кўпайди. “Олимпия” спорт базаси, 1 та ёпиқ турдаги 2 та ёзги мавсумий сузиш ҳавзалари болажонлар хизматиди.

Мактабимиз қайта таъмирланмасидан аввал, болалар сони 520 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда спорт турлари билан мунтазам шугулланиш учун қўлай қилиб бунёд этилган, замонавий талаблар даражасидаги мактабимизда 700 нафар болалар ва қизлар 13 та спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда. Бундан ташқари мини-футбол майдони ҳам қайта таъмирланди, қийиниш, ювиниш хоналари ҳам жорий таъмирдан чиқарилди. Албатта, бу қўлайлик ва имкониятлар болажонларнинг мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларига мустаҳкам за-

мин яратмоқда. Мисол учун жорий йилги “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичида спортнинг дзюдо, таэквондо WTF, ўзбек жанг санъати турлари бахсларида қатнашган мактабимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб шаҳар босқичи голиби деган шарафли номга эга бўлишди. Албатта бу ютуқларда болажонлар спорт сирларини ўргатаётган 25 нафар малякали мураббийларнинг хизматлари каттадир.

Айни пайтда мактабимиздаги 53 та гуруҳда 13 та спорт тури сирларини эгаллашга интилаётган 714 нафар ўқувчиларнинг келажақда барчаси ҳам профессионал спортчи бўлмас. Лекин ёшларнинг зукко, эпчил, доно ва ақлли бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёс бўлади. Биз шунинг учун ҳам ёшлар камолоти йўлида гайрат билан ишлайверамиз.

Алишер КЕРИМОВ,
Яшнобод туманидаги
2-Болалар ва ўсмирлар
спорт мактаби директори

ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатимиз олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш ҳамда 2017-2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Давлат тест маркази мутахассис ходимлари, Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этиб, 2017-2018 ўқув йилида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига қабул қанчага ошадиган? Махсус сиртки бўлимларга қандай талаблар асосида қабул қилинади? Тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш тартиблари қандай? каби масалаларга ойдинлик киритилди.

Шунингдек тадбир давомида Президентимизнинг жорий йилнинг 20 апрелидаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 5 майдаги “2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифарлар ижроси доирасида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллашганлиги таъкидланди.

Бу йилги қабул кўрсаткичларида бакалавр ва магистрларни тайёрлаш учун иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжлари инобатга олинганлиги, шунингдек, ҳудудларни комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига боғлиқ ҳолда белгиланганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, қарорга биноан ушбу ўқув йили учун олий таълим муассасаларига умумий квота бакалаврлар учун 66 минг 316 нафар бўлиб, шулардан 18 минг 194 нафари давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Магистратурага эса жами 5 минг нафар қабул қилинса, 1 минг 556 нафари давлат гранти асосида ўқийди.

Олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул учун квота миқдори таълим муассасасининг маъжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Анжуман сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга масъул ходимлар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Зафар НАЗАРОВ

Реклама ва эълонлар

“K’OCHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ бошлангич баҳога олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан ФИБ М.Улуғбек туманлараро судининг 22.01.2016 йилдаги 1-1151/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шимоллий Олмазор кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 25,44 кв.метрдан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси - 90 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 7 июль кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 5 июль кунни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “КМСХ” МЧЖнинг “Ипак йўли банки” АЙТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-84-48. Расмий сайт: www.1tkms.uz.

Лицензия:РА-0001

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат қорхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татиб қўйилган бўлиб, унга қўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатида қабул қилиш имкони мавжуд.

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервисни орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани қўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — “Ердеҳзада” давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қўлай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

“Ким ошди савдо сервис” МЧЖ шуни маълум қиладики, газетанинг 2017 йил 3 майдаги № 93 сонидида очик аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисидаги ҳақ этилган эълондаги савдо кунни 2017 йил 2 июнь деган сўз 2017 йил 16 июнь деб ўқилсин. Маълумот учун тел: +99898 305-11-81.

Гувоҳнома №5477

ШОГИРДЛАРИМДАН
УМИДИМ КАТТА

Ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етиши, маънан етук ҳамда баркамол шахс сифатида улғайиши давлатимиз сиркатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил қилади.

Албатта, бунда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти жуда катта. Шу тўғрисида ҳам юртимизда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини юксалтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларнинг филиаллари ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида, хусусан, пойтахтимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уюштирилаётган спорт мусобақалари сабаб ўқувчи-ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. Қувонарлиси, ҳар бир спорт тури бўйича нафақат туман, балки Тошкент шаҳри, Ўзбекистон миқёсидаги мусобақаларда халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб, олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлаётган ёшларимиз сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шу ўринда бир гапни айтиш ўринли, спорт билан профессионал тарзда шугулланиб, маҳаллий ва халқаро турнирларда муваффақият қозongan тенгдошдан илҳомланган кўпгина болалар, ўсмирлар, қизлар ҳам спорт сирларини ўрганишга ошиқишмоқда.

Албатта, ёшларнинг ақли, билими, зукко, эпчил, доно, қаққон ҳамда жисмонан бақувват бўлишларида барча спорт турларининг аҳамияти бекиёс. Аммо, айрим спорт турлари ўзининг қандайдир жозибаси билан ёшларни маҳлиё этиб қўйиши ҳеч гап эмас. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилаётган Амалия Бурнаева ҳозирда 13 ёшни қаршилаган. Кунларнинг бирида телеэкранда намойиш этилаётган қиличбозликнинг шамшир, шпага, рапира йўналишларидаги мамлакат биринчилиги баҳсидан тайёрланган репортажни томоша қилаётган Амалияда қиличбозликка ўзгача меҳр уйғонди. Чунки қиличбозларнинг қаққонлиги, эпчиллик ва ҳушёрлик билан ҳаракат қилишлари қизчани ўзига мафтун этган эди.

— Шогирдим Амалия Бурнаеванинг 1-БЎСМга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Яшнобод туманидаги 1-БЎСМ қиличбозлик бўйича мураббийси Аҳмаджон Ҳасимов, — лекин унда қиличбозлик сирини ўрганишга бўлган иштиёқ, интилиш мени ҳайрон қолдирди. Амалия ҳар бир ўғит ва кўрсатмаларимни бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилади. Агар бирор топшириқни машғулотда охирига қадар бажара олмаса, кейин яқна ўзи ўша берилган машқ ва усулларни устда шугулланади ва мураббий кўрсатмасини аниқ бажаришининг уйдасидан қилади. Ишонч билан қўйилган Амалия келгусида нафақат ёшлар, балки катталар ўртасида ҳам катта муваффақиятларга эришади, қитъа ва жаҳон биринчиликларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек туманидаги 71-умумтаълим мактабининг 7-синфиди тахсил олаётган лавҳамиз қаҳрамони Амалиянинг мураббийси кўрсатмаларига оғишмай амал қилганлиги самара берибди. У ўтган йили пойтахтимизда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган қиличбозлик бўйича Ўзбекистон кубогига иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медал билан тақдирланди. Амалиянинг орзулари бир олам. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

— Мақсадим келгусида ушбу спорт тури билан профессионал тарзда шугулланиб, Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва жаҳон биринчиликлари голиби бўлиш. Ўзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз довуғини янада юксалтиришга кўтаришни хошлайман.

Хулоса ўрнида, орзулари бир олам қаҳрамонимизга профессионал спортчи сифатида қўллаб совринлар соҳиби бўлишини тилаймиз ва “Амалия, орзуларинг амалга ошин”, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БУГУНГИ
БОЛАЛАР ҲАР
КУН БАХТЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчи Президентимиз Исмоил Каримов халқимизнинг мана шундай обод яшашини хошлар эди. Бунёдкорлик ишлари билан танишганида атрофга кўпроқ дарахт ва райхонлар экишни, одамлар дам оладиган соя-салқин масканлар барпо этишни буюрарди. Бугунги обод масканлар ана шу ғамхўрлик ҳосиласи.

Бундай халқларвар ишлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманларига ташрифлари чоғида истироҳат боғлари, кўнгилочар масканлар бунёд этиш лойиҳаларини ҳам белгилаб бермоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дизайн ва йўналишга эга бўлади. Ушбу масканлар ишга туша кўринг болажонларнинг кўвончини.

Ҳозир Ўзбекистонда энг кўп қўриладиган телеканал қайси, деб савол берди бир кун Носир дўстим. Ҳаммасининг ўзига яраша муҳлислари бор, десам, энг кўп қўриладигани "Болажон" телеканали, деди у қатъий.

– Ўзинг ўйлаб кўр, деярли ҳар бир ўзбек хонадонига ёш бола бор. Ёшлар фарзандлари, кексалар неваралари даврасида қўш-хандон. Ҳаммамиз учун болаларнинг ҳоҳиши биринчи ўринда. Болалар ҳам "бало" – уларни яхши кўришимизни яхши билади. Телевизорнинг пулти ҳам уларнинг қўлида. Катталар ҳам кун бўйи "Болажон" телеканални кўраётти, – дея фикрини изоҳлади дўстим.

Биз болалигимизда бир кунда бир мультфильм кўрсак дўпчимизни осмонга отардик. Телевидение ҳам мультфильм камлигидан 3-4 картинани айлантириб қўйверарди. Ҳозир болалар учун бутун бошли телеканал бор. Мультфильмлар шунчалек кўпки, бири тугаб бошқаси бошланаворади. Болаларбоп кўрсатувлар ҳам ранг-баранг: инглиз тили, мусика, меҳнат дарслари, спорт машғулотлари, интеллектуал ўйинлар. Ҳаракатлар стратегияси ҳам содда тилда тушуңгориб беришмоқда.

Ҳозир болаларга бизнинг давримиздагидек гўдак, деб қаралмайди. Бугун улар ҳаммининг диққат марказидаги инсонлар. Ҳар бирининг соғлиги, тарбияси, ўқиши, келажаги давлат эътиборида. Бугун улар мамлакатимизнинг фаҳрига, таъбир жоиз бўлса, замонамиз қаҳрамонларига айланган. Ўзбекистоннинг илк ордени "Соғлом авлод учун" дея номланган, мамлакатимизнинг "юраги" бўлиши Мустақиллик майдонига ҳам она ва бола бахтли ўрнатилгани шундан далolat. Фарзандларини бунчалар яхши кўрадиган, кўнларига кўтарадиган бошқа халқ, миллат бўлмаса керак дунёда.

Бундай меҳр-эътибор самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, баркамоллигида аққол намоен бўлмоқда. Бугунги болаларнинг соғлиги, фикрлаши, ҳаракатлари 25-30 йил олдинги болалардан бутунлай бошқача. Гап-сўзлари, қўбиланти ва ютуқлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда. Ҳали мактабга бормасдан компютерни билади, инглиз тилида гапирди, чемпион бўлади.

Болалар учун мўлжалланган китоблар, ўқув қуроллари, спорт комплекслари каби яна кўплаб имкониятлар ҳам борки, уларнинг ҳаммасига тўхталмиш қийин. Ҳар бир жаҳада аввалгига қараганда осмон билан ерча фарқ бор. Бу шароитларни қўриб, болалик аслида шундай бўлиши керак экан-да, деган ўқинч кўнгиладан ўтади. Болалигининг қайтадан яшанинг келади. Чунки бугунги болалар ҳар кун бахтли.

Анвар САМАДОВ



ОБОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР АВЛОДЛАРИ

Мамлакатимизда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўсиб келаётган авлод тарбияси, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебаҳра болаларга меҳр кўрсатишни ўз олдига мақсад қилган ҳолда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Бу каби тадбирлар ўзига хос сарҳисоб бўлиб, нафақат байрам арасида, балки йил давомида ўтказилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Хар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида махсус ҳафталик доирасидаги тадбирлардан бири пойтахтимиздаги "Тошкент-Ленд" истироҳат боғида болалар учун хайрия акцияси ташкил этилди.

Тадбирга пойтахтимиз, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари, Мудоффа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун барча кўнгилочар атракционлар бепул ташкил этилди. Ҳомийлар томонидан кичиктойларга совғалар тақдим этилди.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлардан яна бири Республикаимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида аънаъавий тарзда

ўтказиладиган "Ер кўрасида тинчлик" расмлар кўрик-танлови бўлди.

Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич жорий йилнинг апрель-май ойларида ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари қатнашишди. Улардан 100дан ортиқ расмлар вилоят босқичларида аниқланди. Шундан 9 нафар ғолиблар ва 7 нафар номинациялар бўйича ғолибларнинг энг яхши ишлари Тошкент фотосуратлар уйида танловнинг якуний босқичида эълон қилинди.

Тадбир доирасида "Байрам" болалар ашула ва ракс ғуруҳи ҳамда Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг оркестр жамоалари чиқишлари намойиш этилди. Танлов 3 та ёш категорияси бўйича 3 ёшдан - 6 ёшгача, 7 ёшдан - 11 ёшгача, 12 ёшдан - 15 ёшгача ўтказилиб, ёш ижодкорларнинг яратган ишлари таниқли профессионал рассомлардан ташкил топган малакали ҳайъ-

ат аъзолари томонидан баҳоланди.

Мазкур танловда иштирокчилар ўзларининг ижод намуналари билан юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини баён қилишганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Танловнинг номлини ҳам бежизга бундай эмас. Чунки, Ер кўрасида тинчлик бўлишини ҳамма хошлайди, ана шу эзгу истак оғушида вояга етган ҳар бир бола табиийки, тинчлик ва осойишта-ликнинг қадрини англаб, унга ўз ҳиссасини қўишини истаиди. "Ер кўрасида тинчлик" расмлар кўрик-танлови болаларнинг ижод дунёсига қадам қўйишлари учун қайсидир маънода замин яратди. Болаларнинг ижод намуналарини кузатар эканмиз, ҳар бир бола бир олам эканлигига амин бўлди. Ўз расмлари орқали улар дунёга, Ватанимизга тинчлик тилашмоқда гўё.

Тадбир сўнгига ташкилотчилар томонидан барча ғолиблар учун диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Замонлар бўлди – халқимизнинг илдизига болта урмоқчи бўлди, замонлар бўлди – миллат, миллийлик, қадрият деганларнинг уйи куйди. Ана шундай қийин даврларда ҳам халқимиз ўзалигига, бобомерос тутумларига содиқ қолди. Давра қуриб, давра олиб, кураш тушаверди.

– Ота-боболарим моҳир курашчи бўлиб, тўю томошаларда давраларни қиздирган. Қаерга борса, мени ёнида олиб юриб, тенгдошларим билан олиштириб, курашга меҳр уйғотган. У пайлар уруш, очарчилик, қийинчилик қўриб катта бўлганимиз. Корнимиз тўймай, оч-юпун юрсак ҳам кураш тушишдан чарчамасдик, – дейди қашқадарёлик етмиш беш ёшли Абдурашид Мирзаев. – Умр бўйи кураш тушган бўлсам ҳам полвонликнинг ҳақиқий бахтига мустақиллигимиз туфайли эришдим. Чека бир қишлоқдаги мендек бир полвоннинг қатор хорик давлатларда ўтказиладиган нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, курашини тарғиб этишга ҳисса қўишининг ўзи катта бахт!

Ҳа, истисқол туфайли кураш янги ҳаётини бошлади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг сеvimли машғулотига айланди.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти соврини учун Шахрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Хиндистон, Америка, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куні ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштирокда ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига (ИКА) асос солинди.

Бугун дунёнинг юз йигирмадан ортиқ давлатида кураш кенг оммалашмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётти. Бу мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан номдор полвонлар ўзбекиона камтарлик ва мардондорлик билан таъзим қилиб, гиламга чиқмоқда, давра айланиб, кураш тушмоқда.

Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё, Европа, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни келажакда ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда.

Кураш ҳақида қисқача тўхталиб, унинг нақадар ажойиб ва фойдали спорт тури эканлигини яна бир бор

таърифласак. Кураш – спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ икки спортчининг яккама-якка олишуви. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум. Кураш айниқса Юнонистонда кенг тарқалиб, қадимги олимпиада мусобақаларидан доимий ўрин олиб келган. Миллий курашнинг хилма-хил кўринишлари Греция, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Россия, Ўзбекистон, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Қозғистон ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Бу спортнинг тарихи ҳам маълум бир даврларга эга.

Халқаро майдонда спорт курашининг юнун рум кураши, эркин кураш, дзюдо, самбо ва бошқа турлари кенг тарқалган. Кейинги йилларда ўзбек кураши ҳам алоҳида кураш тури сифатида дунё миқёсида тан олина бошланди. Кураш инсонни қучли, эпчил, чидамли ва иро-

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОН
МАЙДОНИДА

дали қилиб тарбиялаш воситаларидан бири ҳисобланади. Шифокорлар назорати остида 12 ёшдан кураш билан шуғулланишга рухсат этилади. Кураш азалдан ўзбек турмуш тарзининг узвий қисми бўлганлигини археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар тасдиқлайди. Қадимги Бахтрия (Ўзбекистон жанубий) ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини чалаётгани тасвирланган. Шу даврга мансуб бошқа археологик топилмада эса полвонларнинг кураш усулларини намойиш қилаётгани акс эттирилган. Бу ноёб топилмалар миллиондан 1,5 минг йил илгари ҳам кураш аждодларимиз турмуш тарзининг бир қисми бўлганидан далolat беради.

Ўзбек халқ якка курашининг белбоғли кураш деб номланган тури ҳам бор. Унга ҳам тааллуқли кўлаб археологик топилмалар ва тарихий қўлёзмалар мавжуд. Бундан 5 минг йил илгариги даврга мансуб қадимги Месопотамия ҳудудидан топилган ҳайкалчада белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган. Хитойнинг қадимги "Тан-шу" қўлёзмасида Фарғона водийсида тўйлар, сайиллар кураш мусобақаларисиз ўтмаслиги ёзилган.

1991 йилда курашчилар сулоласи вакили, бир неча кураш турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов Ўзбекча курашининг халқаро андозаларга мосланган қўидаги қоидаларини ишлаб чиқди: кураш тушуви 14х14 м дан 16х16 м гача бўлган, четроқ қисми қизил рангли "хавфли қизик" билан белгиланган қўқ-яшил тусли кураш гиламида тик турган ҳолатда беллашади. Ғолиб ишлатилган усуллар ва майдондаги ҳатти-ҳаракатларига қўиладиган баҳо-ларга қараб аниқланади. Курашда бўғиш, рақибга оғрик берувчи усуллар қўлашга рухсат этилмайди, курашувчиларнинг бири қўқ, иккинчиси яшил рангли ятак (аёллар ятак ичидан оқ рангли футболка) қияди, белга эни 4-5 см ли тасма (белбоғ) боғланади, эркаклар 60, 66, 73, 81, 90, 100 кг ва 100 кг дан зиёд, аёллар 48, 52, 57, 63, 70, 78 ва 78 кг дан зиёд вазн тоифаларида курашади (болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, ёши улуглар ва қизлар мусобақаларида ҳам ёш ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда вазн тоифалари белгиланади).

Таъкидлаш жоизки, уч минг йиллик аънаъавий эга курашининг халқаро миқёсда кенг оммалашаётгани замирида, аввало, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ётган бўлса, бунинг яна бир муҳим жиҳати, ўзбек кураши барча спорт турларидаги энг инсонпарвар қоидаларни ўзида мужассам этгани билан боғлиқдир.

Мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этиб келинапти. Жаҳон ареналарида "халол", "чала", "ёнош", "ғирром", "даки" каби соф ўзбекча сўзлар жаранглагани биз учун чинакам фахридир.

Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ёзги Осиё ўйинлари спортчилар учун нуфузи жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейинги муҳим мусобақа саналади. Шу маънода, Осиё олимпия кенгашининг ушбу қарори миллий спорт туримизни жаҳонда янада кенг оммалаштириш ҳамда унинг Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиши йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди.

Бизни, яъни ўзбек халқининг кундан кунга дунёга танилишида ўзбек курашининг ўрни беҳисдир. Албатта, ҳар биримиз бу билан фахрланамиз ва унинг юксалиши учун қўишимиздан келганча ўз ҳиссамизни қўишимиз дозим.

Б.ҲАЙИТОВ,
Тошкент молия институти ўқитувчиси
Д.АЗАМОВА,
табаба

Реклама ва эълонлар

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 3 июль куні соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўидаги электр ускуналар ва автотранспорт воситалари қўишмоқда:

Миробод СИБ томонидан №32469-сонли икром иши асосида хатланган: "Зафар-И" ХИЧТК боғжона омборида сақланаётган:

1. 10 та генератор, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 10 000 000 сўмдан.
2. 3 та электросварка, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 800 000 сўмдан.
3. 7 та гидро электрo сварка, техник носоз ҳолда, ҳар бирининг бошланғич нархи 2 000 000 сўмдан.

Чилонзор СИБ томонидан хатланган:

ФИБ Учтепа туманларо судининг 19/03/2015 йил №1-980/2015-сонли икром иши асосида: 2011 й/и/ч, оқ рангли, д/р/6 01307LA "Captiva". Бошланғич баҳоси 76 573 000. Автотранспорт воситаси Фарғона в. Учқўприк т. жарима майдонидан сақланмоқда.

ЖИБ Тошкент ш. Учтепа т. судининг 19/06/2015 йилги икром иши асосида: 2005 й/и/ч, қора рангли, д/р/6 M4492 "Lincoln Town Car". Бошланғич баҳоси 50 156 438 сўм. Автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси Боғжона қўи-тасининг омборида сақланмоқда.

ЖИБ Тошкент в. Паркент т. судининг 21/12/2016 йил №1-145/2016-сонли икром иши асосида: 2005 й/и/ч, қўқ (синий металл) рангли, д/р/6 01J133RA "Hyundai Tucson". Бошланғич нархи 28 881 198 сўм. Автотранспорт воситаси "Автомом-тохаваскор" жарима майдонидан сақланмоқда.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд икромчилари бўлими вакиллари иштирокда бево-сита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-ларидан иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куні (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар сав-додан 1 (бир) иш куні олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истағида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқ-доридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир авто-транспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилот-чиси - "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали-нинг қўидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81

Гувоҳнома 5477

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 3 июль куні соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига Миробод СИБ томонидан хатланган қўидаги автотранспорт воситалари қўишмоқда:

Тошкент шаҳар ҳўқали судининг Бирлаштирилган 18896/14-сонли йиғма икром ишига асосан: 1. 2013 й/и/ч, д/р белгиси 01/490YCA, қул рангли, "Cobalt" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 42 899 700 сўм. 2. 2007 й/и/ч, д/р белгиси 01/524HBA, оқ рангли, "GAZ 330332-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 35 550 000 сўм. 3. 2007 й/и/ч, д/р белгиси 01/527HBA, оқ рангли, "GAZ 3309-1374-09-229-20-00" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 32 400 000 сўм.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Миробод тумани, 3-қўйиқ даваси, 17-уй, 14-хонадон.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд икромчилари бўлими вакиллари иштирокда бево-сита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-ларидан иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куні (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар сав-додан 1 (бир) иш куні олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истағида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқ-доридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир авто-транспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилот-чиси - "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали-нинг қўидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81

Гувоҳнома 5477

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 16 июль куні соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган тақорий очик аукцион савдоларига қўидаги автотранспорт воситалари қўишмоқда:

ЖИБ Юнубод туман судининг 09.12.2015 йилдаги икром варақасига асосан, носоз ҳолатлардаги: 1. 2009 й/и/ч, д/р белгиси 01/4939CA, оқ рангли, "NEXIA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 32 000 000 сўм. 2. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01/4939QA, оқ рангли, "NEXIA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 000 000 сўм. 3. 1992 й/и/ч, д/р белгиси 01/424QA, ҳаво рангли, "Ford Transit" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 27 949 056 сўм.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Бектемир тумани, Х.Бойқар кўчаси, 27, ИИББ Аxbорот маркази жарима майдони.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд икромчилари бўлими вакиллари иштирокда бево-сита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-ларидан иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куні (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар сав-додан 1 (бир) иш куні олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истағида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқ-доридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир авто-транспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилот-чиси - "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали-нинг қўидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81

Гувоҳнома 5477

	ЎЗГИДРОМЕТ	36 даража иссиқ бўлади.
	ХАБАР ҚИЛАДИ	Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра,
Тошкент шаҳрида 2 июль куні ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўмайди. Шарқдан секун-диза 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 18-20, кундузи — 34-	2 июль Тошкент шаҳри-нинг об-ҳаво шароити ша-ҳар ҳаво муҳитида зарар-ли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко-ният яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.	

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-635

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эъпонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва аxbорот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9234 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2